

**2024 йилнинг ўтган давр мобайнида Навоий вилояти  
Камбағалликни қисқартириш ва банлик бош бошқармаси ҳамда  
туман (шаҳар) бўлимлари томонидан камбағалликни  
қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга  
оширилган ишлар тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**

**I. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини  
ташкил этиш дастури ижроси.**

**Меҳнат ресурслари балансига кўра: (2024 йил 1 январь  
холатига)**

Вилоятда жами аҳоли сони – **1 079 минг нафар**,  
шундан меҳнат ресурслари **584 873 нафар**,  
иқтисодий фаол аҳоли **454 984 нафар**,  
жами банд аҳоли **426 393 нафарни**

Бугунги кунда вилоятда **28,6 минг** нафар ишсизлар мавжуд.

**2023 йилнинг 1 январь ҳолатига** вилоятда ишсизлик даражаси **8 фоизни** ташкил қилган бўлса, **2024 йил 1 январь ҳолатига** **6,3 фоизни** ташкил этиб, йил бошига нисбатан **1,7 фоизга** камайган. Йил якуни билан **5,8 фоизни** ташкил этиши қутилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда меҳнат бозорига асосан яна **4 та тоифадаги асосий ишчи кучи** кириб келади.

**942 нафар** қуроли кучлардан қайтадиганлар, **6,6 минг** таълим муассасалари битирувчилари, **10,3 минг** хорижда ишлаб қайтадиганлар ва **2,1 минг** таркибий ўзгаришлар натижасида ишдан озод этиладиган шахслар, жами 2024 йил учун вилоятда **48,8 мингдан** ортиқ иш жойларига эҳтиёж бор.

Бу йил барча йўналишларда **136,7 минг** нафар аҳолини даромад келтирадиган меҳнат билан банд қилиш дастури тасдиқланди, амалда **18,5 минг нафар** (йиллик режага нисбатан 13,5 %) аҳоли бандлиги таъминланган.

Хусусан, доимий иш ўринларида **46,8 минг**,  
мавсумий ва вақтинчалик ишларда **86,5 минг**  
легаллаштириш ҳисобига **3,4 минг** ташкил этади.

**Йўналишлар кесимида ушбу кўрсаткичлар қуйидагicha:  
инвестициялар ва саноатни ривожлантириш** ҳисобига **626 та** (йиллик режа 10,1 мингтага нисбатан 6,2%) янги доимий иш ўринлари ташкил этилди;

**хизматлар** ва **тадбиркорликни ривожлантириш** орқали **11,4 минг** (йиллик режа 32,0 мингтага нисбатан 35,6 %)

**қишлоқ хўжалиги** йўналишида **5,6 минг** (йиллик режа 89,6 мингтага нисбатан 6,2%) аҳолини **мавсумий**, **вақтинчалик** ва **доимий меҳнат** билан бандлиги таъминланди:

**қурилиш** соҳасида эса **865 нафар** (йиллик режа 5,0 мингтага нисбатан 17,1%) аҳоли банд қилинди.

Шунингдек, туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан жорий йилнинг 5 ойи давомида жами **8 485 нафар** фуқароларга **бандлик хизматлари** кўрсатилди.

Шундан, **6 322 нафар** фуқаролар доимий ишга жойлаштирилган, **1 881 нафари** вақтинчалик жамоат ишларига жалб этилган.

Бундан ташқари, бандлик хизмати кўрсатиш имкони бўлмаган **274 нафар** ишсиз фуқаролар давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олиниб **иҳсизлик нафақалари** тайинланди.

Худудлардаги иҳсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда ўтказилган **82 та** “меҳнат ярмарка”ларида **1 038 нафар** фуқаролар доимий иш ўринларига жойлаштирилди, **500 нафари** ҳақ тўланадиган жамоат ҳамда **491 нафари** касб-хунарга ўқитишига йўналтирилди.

**Шунингдек**, ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган **429 нафар** фуқаролар захираланган иш ўринларига жойлаштирилди.

## II. Касб-хунарга ўқитиши.

Аҳолини, энг аввало камбағал ва иҳсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитиши орқали бандлигига кўмаклашиш бўйича қуидаги **амалий чора-тадбирлар амалга оширилди**.

Шундан келиб чиқиб, Кабағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тасарруфидаги мономарказлар ва бошқа ўқув масканлари, бошқа нодавлат ўқув марказларида жами **2 613 нафар** ишсиз фуқаролар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган **71 турдаги** касб-хунарга, тадбиркорликка ва хорижий тилларга ўқитишига жалб этилди.

Касб-хунарга ўқишига жалб этилган фуқаролардан **987 нафари** ўқишини тутатган бўлиб, шундан **843 нафарининг (85 %)** бандлиги таъминланган.

### III. Тадбиркорлик (Микролойиха) ва касаначиликни ривожлантириш, имтиёзли кредит ва субсидия ажратиши масалалари

Аҳолининг **тадбиркорлик** фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда жами **рўйхатдан ўтган** тадбиркорлик субъектлари **26 659 тани**, жорий йилда янги **юридик** **1 267 тани** ва янги **ЯТТ** субъектлари **2 235 тани** ташкил этди.

Маҳаллаларда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш мақсадида қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқариш соҳасида жами **691 та** (*ҳар бир маҳаллага ўртacha 2,1 та*) **“маҳаллабай”** лойиҳалар шакллантирилиб, шундан **36 млрд.сўмлик 195 та** лойиҳа ишга туширилиши натижасида жами **554 та** иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, вилоятда саноат, ҳунармандчилик, касаначилик, чорвачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларида жами **21 та микромарказлар** ишга туширилиши натижасида **158 та** иш ўринлари яратилган.

Бундан ташқари, аҳоли даромадларини ошириш мақсадида мавжуд имкониятлардан фойдаланиб вилоятда **55 та** тадбиркорларни жалб қилган ҳолда **Пиллачилик, тикувчилик, каштачилик, жунни қайта ишлаш, стол стул тўқиши, мебелчилик, кулолчилик, гилам тўқиши** йўналишларида **касаначилик** ташкил этилиб **6 360 нафар** фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

Жорий йилда вилоят бўйича оиласидаги тадбиркорлик дастури доирасида **256,4 млрд.сўм** миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда шу кунга қадар ҳоким ёрдамчилари тавсияномалари асосида **5,1 мингта** лойиҳага жами **120,9 млрд. сўм (47 %) имтиёзли кредит** ажратилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган давр мобайнида **333 нафар** ишсиз, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга ўзини ўзи банд қилишида кўмаклашиш мақсадида жами **1 426 млн.сўм субсидия** маблағлари ажратилди.

#### IV. ПҚ-20-сонли қарорга асосан Пахта ва ғалладан қисқартирилган Ерларни ижарага бериш бўйича

Пахта ва ғалладан қисқартирилган Ерлар ҳисобидан 2022-2023 йилларда **9 530** гектар ер майдонлари ҳоким ёрдамчиларининг хулосасига асосан **30 200 та** лотларга бўлинган ҳолда аукцион савдоларига чиқарилди ҳамда бугунги кунда **9 560 гектар** ер майдонлари **24 193 та** (96,5 фоиз) лотлар сотилиб, **72 мингдан** ортиқ аҳоли бандлиги таъминланди. Жорий йилда 1350 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Ушбу ажратилган ерлардан фойдаланилиши ҳолати **4 908 гектар** майдондаги **14 403 та лотларда** сўровномалар ўтказилиб, **4 442 гектарига** асосий экин турлари (озиқ-овқат маҳсулотлари, полиз экинлари) экилганлиги аниқланди.

#### V. "20 минг тадбиркор - 500 минг малакали мутахассис"

"**20 минг тадбиркор - 500 минг мутахассис Дастири**" доирасида **315 та** (Иш ўрни **17 322 та**) тадбиркорлардан ҳамкорлик шартномаси тузилган.

Бугунги кунда **184 та** тадбиркорлик субъектлари томонидан лойиҳалар амалга оширилиб, **4 934 та** янги иш ўрни яратилди (2024 йилда **27 та** корхона томонидан **668 та** иш ўрни яратилди).

#### VIII. Давлат меҳнат назорати инспекцияси фаолияти бўйича:

Давлат меҳнат инспекцияси томонидан 2024 йилнинг ўтган даврида корхона ва ташкилотларда **374 маротаба** текшириш ва ўрганишлар ўтказилди, ушбу текшириш ва ўрганишлар давомида **543 та** қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Қонун бузилишга йўл қўйган **191 нафар** мансабдор шахсларга нисбатан **399.800.000** (Уч юз тўқсан тўққиз миллион саккиз юз минг) сўм миқдорида маъмурий жарималар қўлланилди.

**191 нафар** мансабдор шахсга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарнинг 15 кунлик имтиёзли давр мобайнида **182 та** маъмурий жарималар **219.950.000** (икки юз ўн тўққиз миллион тўққиз юз эллик минг) сўм миқдоридаги жарималар ундирилиши таъминланди.

Давлат меҳнат инспекцияси томонидан Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан ўтказилган текшириш ва ўрганишлар давомида **212 марта** қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан таҳлил қилиб қўрилганда **25 та ҳолатда** ходимлар йўриқномадан ўтказилмаган ҳолати аниқланди.